

**Journal of**  
**Natural**  
**science**

**No5  
2021**

**<http://natscience.jspi.uz>**



<b><u>ТАҲРИР ХАЙЪАТИ</u></b>	<b><u>ТАҲРИРИЯТ АЪЗОЛАРИ</u></b>
<p><b>Бош мухаррир –</b> У.О.Худанов т.ф.н., доц.</p>	<p>1. Худанов У.О. – ЖДПИ Табиий фанлар факултети декани, т.ф.н., доц. 2. Шылова О.А.-д.х.н., профессор Института химии силикатов им. И.В. Гребенщикова Российской академии наук (ИХС РАН) 3. Маркевич М.И.-ф.ф.д. проф Белорусия ФА 4. Elbert de Josselin de Jong- профессор, Niderlandiya 5. Кодиров Т- ТТЕСИ к.ф.д, профессор 6. Абдурахмонов Э – СамДУ к.ф.д., профессор 7. Сманова З.А,-ЎзМУ к.ф.д., профессор 8. Султонов М-ЖДПИ к.ф.д,доц 9. Яхшиева З- ЖДПИ к.ф.д, проф.в.б. 10. Рахмонкулов У- ЖДПИ б.ф.д., проф. 11. Мавлонов Х- ЖДПИ б.ф.д.,проф 12. Абдурахмонов F- ЎзМУ фалсафа фанлари доктори (кимё бўйича) (PhD), доц 13. Хакимов К – ЖДПИ г.ф.н., доц. 14. Азимова Д- ЖДПИ фалсафа фанлари доктори (биология бўйича) (PhD), доц 15. Юнусова Зебо – ЖДПИ к.ф.н., доц. 16. Гудалов М- ЖДПИ фалсафа фанлари доктори (география фанлари бўйича) (PhD) 17. Мухаммедов О- ЖДПИ г.ф.н., доц 18. Хамраева Н- ЖДПИ фалсафа фанлари доктори (биология фанлари бўйича) (PhD) 19. Рашидова К- ЖДПИ фалсафа фанлари доктори (кимё бўйича) (PhD), доц 20. Мурадова Д- ЖДПИ фалсафа фанлари доктори (кимё фанлари бўйича) (PhD), доц</p>
<p><b>Бош мухаррир ёрдамчиси-Д.К.Мурадова,</b> PhD, доц.</p>	
<p><b>Масъул котиб-</b> Д.К.Мурадова</p>	
<p><b>Муассис-Жиззах давлат педагогика институти</b></p>	
<p>Журнал 4 марта чиқарилади (ҳар чоракда)</p>	
<p>Журналда чоп этилган маълумотлар аниқлиги ва тўғрилиги учун муаллифлар масъул</p>	
<p>Журналдан кўчириб босилганда манбаа аниқ кўрсатилиши шарт</p>	

Жиззах давлат педагогика институти Табиий фанлар факултети

Табиий фанлар-Journal of Natural Science-электрон журнали

[/http://www/natscience.jspi.uz](http://www/natscience.jspi.uz)

**“ЕР ТИЛИ”ГА БАХШИДА УМР**

*Хакимов К.М., Чимиров А.А.*

(География ва иқтисодий билим асослари кафедраси)

**Жиззах давлат педагогика институти**

**Аннотация:** мақолада ернинг “тили”, жойларнинг асл маъноси, қадимги жойларнинг маъносини ўрганиш борасида фикрлар билдирилган. Шунингдек таниқли олим профессор Суюн Қораевнинг сўнгги ярим асрдан ортиқроқ вақт давомида топонимика, география ва лингвистика фанларига қўшган ҳиссалари хақида сўз юритилади.

**Калит сўзлар:** Ернинг “тили”и, топонимист олим профессор Суюн Қораев, Академик А.Муҳаммаджонов, Ўзбекистондаги 2000 дан ортиқ географик номларнинг келиб чиқиши, С.Қораевнинг лотин ёзувига ўтиш каби.

Ҳар қандай географик объектнинг “сири” унинг номида мужассам. Шу сабабдан, номнинг асл маъносини англаған мутахассис, жой ҳақида аниқ бир фикр айтиши мумкин. Маълумки, топонимистлар жой номларини ўрганиб, уларни “ер тили” деб баҳолашган. Ернинг “тили”ни тушиниш учун, қадимги тилларни ўрганиш, тарихий манбалардан хабардор бўлиш, жойнинг географик ўрнини аниқ билиш керак бўлади. Ана шундай машаққатли ишга умрини сафарбар қилган топонимист олимлардан бири профессор Суюн Қораевдир.

Филология фанлари номзоди (1969), география фанлари доктори (1998), Қирғизистон миллий университетининг фахрий профессори, Халқаро Чингиз Айтматов академиясининг академиги, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган маданият ходими, Ўзбекистон Журналистлар уюшмаси аъзоси (1962), таниқли топонимист, географ ва тилшунос олим, кенг қамровли адиб ҳамда журналист, моҳир таржимон Суюн Қораевич Қораев 1925 йилда, Жиззах вилояти Зомин туманидаги Тамтум қишлоғида маърифатли оиласда туғилган.

Суюн Қораев отасидан араб ёзувини ўрганиб, эски китобларни мустақил ўрганган. Қишлоқда саводлироқ киши бўлмаганидан 1943-1947 йилларда С.Қораев мактаб филиалида мудир ва бошланғич синфларнинг ўқитувчisi бўлиб ишлаган. 1947-1952 йилларда Ўрта Осиё давлат университети (хозирги Ўз.МУ) да ўқиб, география факултетини тугатган.

Таниқли олим жойлар номи билан ўтган асрнинг ўрталаридан бошлаб қизиққан. Ўша вақтдан бошлаб олтмиш йилдан кўпроқ вақт давомида географик номларни чуқур ўрганди ва профессионал топонимист олим бўлиб етишди. Академик А.Муҳаммаджонов таъбири билан айтганда, “С.Қораев синчков, заҳматкаш ва серқирра олим. Унинг сўнгги ярим аср давомида яратган бир неча луғат, монография ва рисола, уч юздан ортиқ илмий мақолалари халқ мулкига айланди”.

Кенг қамровли олим ва публицист С.Қораевнинг илмий ва ижодий фаолияти бир неча йўналишга эга, география ва географик терминшунослик, топонимика, лингвистика, этнонимика, таржимонлик. Уни нашриёт, миллий энциклопедия таҳририяти, тил ва адабиёт институти, “Ергеодезкадастр” давлат қўмитасида кечган олтмиш йилдан ортиқроқ илмий, амалий ва таржимонлик фаолиятида топонимика ва географик терминшунослик олимнинг асосий илмий йўналиши бўлиб келган.

Забардаст олим топонимикадан 1969 йилда номзодлик, 1998 йилда докторлик диссертацияларини ҳимоя қилган. Унинг илмий асрлари топонимиканинг назарий ва амалий масалаларига, топонимлар этимологиясига, шунингдек ойконимия, этнонимия, тарихий топонимияга бағишлиланган. Олимнинг топонимикага бағишлиланган салмоқли илмий мақолалари Ҳамдўстлик мамлакатларида (Москва, Бишкеқ, Душанбе, Боку, Волгоград), узоқ хорижда (София, Нью-Йорк, Хельсинки, Анқара) ҳам чоп этилган.

С.Қораевнинг докторлик диссертацияси Ўзбекистон топонимика фанининг ривожланишида сезиларли воқеа бўлган. 1998 йилда Мирзо Улуғбек номидаги Ўзбекистон Миллий университети ҳузуридаги илмий даражалар берувчи Илмий Кенгаш олимнинг 45 йиллик самарали илмий хизматларини инобатга олиб, унга диссертация ёзмасдан илмий доклад шаклидаги ҳимояси учун география фанлари доктори илмий даражасини беришни лозим топди.

Олимнинг докторлик диссертациясига республика илмий муассасаларида фаолият кўрсатаётган таниқли топонимист олимлардан ташқари, бир қатор хорижий олимлардан (Озарбайжон, Туркманистон, Россия, Қирғизистон) ижобий тақризлар келган. Масалан, Озарбайжон Фанлар академияси академиги Б.А.Будагов ўз тақризида шундай деб ёзган: “Диссертация кўп йиллик тадқиқотлар самараси ўлароқ, ўлкан фундаментал топонимик илмий меросдир ва шунинг учун ҳам Суюн Қораев география фанлари доктори илмий даражасига аллақачон сазовор бўлган деб ҳисоблаймиз”.

С.Қораев терминология соҳасига ҳам алоҳида эътибор қаратган. Олимнинг бу соҳага оид биринчи мақоласи “География дарсликларидағи термин ва географик номлар тўғрисида”, 1953 йили “Совет мактаби” журналида босилган. “Қизил Ўзбекистон” газетасининг 1954 йил 2-март сонида, 1953 йилда нашр этилган “Географик терминлар лугати”га тақризи, Москвадаги “География в школе” журналининг 1954 йилги 4-сонида “Экономическая география Узбекской ССР” дарслигидаги терминлар ҳақида тақризи, шундан сўнг газета, журналлар ва тўпламлар саҳифаларида бир неча терминологик мақола ва лавҳалари ва ниҳоят “Вопросы географии” журналининг 81-сонида (Москва, 1970, 187-192 б.) эса “Географические термины в зоне

контактирования узбекского, кыргызского и таджикского населения” номлийирик илмий мақоласи эълон қилинган.

Олим деярлик ўзининг йигирма йиллик топонимик ва терминологик тажрибаси ҳамда билимларини “Географик номлар маъносини биласизми?” китобида (“Ўзбекистон” нашриёти, 1970 йил) умумлаштирган. Муаллиф бу китобда 500 дан ортиқ мақолада тарихий, лисоний ва географик манбаларга асосланиб Ўзбекистондаги 2000 дан ортиқ географик номларнинг келиб чиқиши ҳақида сўз юритган. Бу асарнинг қимматли жиҳатларидан бири шундаки, географик номлар таркибида учрайдиган 120 дан ортиқ географик терминлар атрофлича изоҳлаб берилган. Ушбу терминларнинг яримига яқини ўша вақтгача ўзбекча географик адабиётларда, ҳатто изоҳли луғатларда ҳам учрамайдиган, соҳа билағони профессор Э.М.Мурзаевнинг ибораси билан айтганда “илмий муомалага киритилмаган, чинакам маҳаллий халқ терминлари эди”.

Чунончи, алам – “муқаддас жойда ўсган дараҳтнинг шохларига ёки мазорга қоқилган таёққа осилган латта-путалар”(Алдовон”, бараз – “тоғдаги текис майдон”, бел – “довон”, бўктар – “тоғ этаги”, газа – “тоғ қирраси”, депсан – “адирдаги текислик”, жўна – “чўзинчоқ тепалик”, заяк – “партов ер”, зов – “тик яланг қоя”, мўла – “тош-шагалдан ясалган белги”, санглоқ – “силлиқ тошли сойлик”, секи (секилов) – “зинасимон ёнбағир”, шибер – “үтлоқ ботқоқлик”, танги – “тор дара”, тарма – “қор кўчкиси”, чағат – “қирра тошли кунгай ёнбағир”, чем – “ғов, тўсиқ”, шағил – “майда тошли тик сойлик”, чалқа - “текис майдон”, чинк – “жарлик”, қўриқ – “дарё бўйидаги ўтлоқ” каби халқ терминларини биринчи бўлиб географияга, топонимикага олиб кирди.

С.Қораев 1978 йилда “Ўзбекистон” нашриётида босилган “Географик номлар маъноси” китобида ҳам ўз принципига содик қолиб, 50 га яқин географик терминга изоҳ берган, шундан 15 дан ортиғи географик адабиётларда биринчи марта қайд қилинаётган терминлар ҳисобланган. Масалан, болдир - “дўнг тумшуқ”, варз, варзик – “экинзор”, далварzin –“чолдевор”, доман – “тоғ этаги”, жовиз – “заранг ер”, канда – “ташландик сувлар тўпланган чуқур ариқ”, миёнкол – “оралиқ канал”, обигир – “сув олинадиган жой”, хотинсув – “секин оқадиган сой, жилға”, эрсув – “шиддат билан шаррилаб оқадиган сув”, чифаноқ – “сойнинг тирсаги”, қашат – “баланд қирғоқ” ва ҳоказо.

Номшунос олимнинг қайд қилишича, у географик терминларга бой, мулойим тоғли ҳудудда туғилиб улғайган ва шунинг учун ҳам халқ географик терминларини яхши билади. Олимнинг хulosаларига қараганда халқ географик терминларни ҳар доим ҳам маҳаллий терминлар деб бўлмас экан. Масалан, танги – “тор дара” термини нафақат Зомин тумани ва унга қўшни туманларида

учрайди, балки бу термин Тожикистон, Афғонистон, Озарбайжонда ҳам маълум кенг тарқалган.

С.Қораевнинг ёзишича, Устюрт платосида қайд қилинган чинк термини Қозогистонда – “шинг”, Қирғизистонда – “чинг” шаклларида, ҳаттоқи, Эронда ҳам ушбу терминни учратиш мумкин. Зомин ва Бахмал туманларида тик жарлик чинк дейилади. Худди шундай олим томонидан бароз, депсан, зов, шибер, чалқа каби терминларни ҳам жуда катта худудларда тарқалганлиги аниқланган.

Ўзбекистонда топономик лексикани, жумладан географик терминларни ўрганиш ишини Суюн Қораев бошлаб берган эди десак хато бўлмайди. «Ўзбекистон топонимларини ҳосил қиласиган асосий терминлар ва бошқа сўзлар луғати», («Ўзгеодезкадастр», 2004 йил, 150 бет) олимнинг бу соҳада эълон қилинган ишларидан энг йиригидир. Луғат жой номлари таркибида учрайдиган 3500 дан ортиқ терминлар ва бошқа сўзларни, жумладан, 350 тacha географик терминларни ўз ичига олган ва ҳар бир сўзга қисқача изоҳ берилган. Муаллиф географик адабиётда қайд қилинмаган географик терминларни қамраб олишга алоҳида аҳамият берган.

Масалан, шаршара термини жой номлари таркибида шаршарак, шарилловуқ, шалдироқ, шариллоқ, шарқирама, шарловуқ каби шаклларда учрар экан. Маълумки, кўпинча кичик дарёлар - сойлар шариллаб оқади ва баландликдан отилиб тушганда шаршара ҳосил қиласиди. Лекин катта сувлар – дарёлар баланддан тушганда гувиллайди, гумбурлайди, гулдирайди. Шунинг учун ҳам гулдирама, гулдировуқ, гулдиров, гурилловуқ, гуркиров кабилар катта шаршараларнинг номларидир.

С.Қораев ўзининг олий ўқув юртлари учун нашр қилган «Торонимика» (2006 йил, 340 бет) ўқув қўлланмасида ҳам топонимик лексикага, хусусан географик терминларга алоҳида ўрин ажратган. Ўқув қўлланмада муаллиф гидронимларни ҳосил қиласиган сўзлардан 130 дан ортиқ, рельеф шаклларини, яъни оронимларни ҳосил қиласиган 350 дан кўпроқ терминларга изоҳ берган. Бу терминларнинг талай қисми, чунончи бадоқ (афдоқ), кўрбулоқ (сўқирбулоқ), отқудук, тагоб, хотинсув, эрсув каби гидронимик, атав, байир, белчагач, жўнағар, кунчибоқ, рош, чалқа, қўлат каби оронимик терминлар ҳозиргacha илмий адабиётларга киритилмаган лексик бирликлардир.

Бу терминлар С.Қораев тамонидан тарихий манбалардан, ўзбек халқ тили шевалари луғатидан, диалектологик ва топонимик адабиётлардан, хусусан мукаммал топонимик карталарда қайд қилинган сон-саноқсиз географик номлар таркибидан, олимнинг ўзи туғилиб ўсган Зомин ва Молгузар тоғларидан бевосита йиғиб олинган. Аслида, географик номлар, шунинdek

географик терминлар тилнинг лексик таркибини бойитишнинг ўлкан манбаидир.

С.Қораевнинг лотин ёзувига ўтиш масаласини биринчи бўлиб шўролар давридаёқ кўтариб чиққанлигини алоҳида қайд қилиш керак. (“Ўқитувчилар газетаси” 29.09.1990 й.). Йирик филолог топономист олим сифатида ономастикага оид 30 дан ортиқ халқаро, регионал ва республика конгресс ва конференцияларда маъruzалар билан қатнашган.

Хулоса қилиб айтганда, Суюн Қораев сўнгги ярим асрдан ортикроқ вақт давомида топонимика, география ва лингвистика фанларига ўзининг кўп қиррали илмий-ижодий салоҳияти билан аҳолининг топонимик маданиятини ривожлантириш, географик объектларни номлаш ва қайта номлаш соҳасида катта ҳисса қўшган номшунос олимлардан бири ҳисобланади.

### **Фойдаланилган адабиётлар:**

1. Мурзаев Э.М. Очерки топонимики. -М. 1979. 341 с.
2. Муҳаммаджонов А. С.Қоревнинг “Ўзбекистон вилоятлари топонимлари” номли китобига тақриз. -Т.; 2006.
3. Қораев С. Топонимия Узбекистана с топонимическим словарем. -Т. 2015.510 с.
4. Ҳакимов К.М. Жиззах вилояти топонимлари. -Т; 2014. 204 -б.
5. Xolmirzayev, J., & Qosimov, N. (2021). Jizzax viloyati ichki suvqlariga antropogen omillarning ta’siri. *Журнал естественных наук*, 1(2).
6. Ҳакимов, К., & Бурхонов, Э. (2020). Зоотопонимлар географияси ҳақида. *Архив Научных Публикаций JSPI*.
7. Gapparov, A., & Kholdorova, K. (2020). Population Systems In The Reclaimed Lands Of The Republic Of Uzbekistan. *Архив Научных Публикаций JSPI*.
8. Рахматуллаев, А., Баратов, Х. (2020). Фўбдин тоғи ландшафтларида чўлланиш жараёнини тажриба участкалари ёрдамида ўрганиш. Архив Научных Публикаций JSPI.
9. Haydarova S., Mavlonoval X., Muxamedov O. Arid mintaqalarda yer resurslaridan foydalanishning o'ziga xos jihatlari (Jizzax viloyati misolida) //Журнал естественных наук. – 2021. – Т. 1. – №. 1.